

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




2000 йил 5 декабр
Сотувда эркин нархда № 244 (2541)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақоамасининг Газетаси

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ САРИ

Хабар қилинганидек, 1 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг Минскда бўлиб ўтган йиғилишида иштирок этди

Минск саммити МДХ доирасида айни пайтда долзарб бўлган муаммоларни ечишга бағишлангани билан, эътиборлидир. Бу ерда ўзгаришлар Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши кун тартибидан Аксилтеррор марказини ташкил этиш, эркин савдо зонасини яратиш, илгари имзоланган, бугунги кунга келиб амал қилиш муддати тугаган ёки ўрнига янги-си қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш билан боғлиқ масалалар ўрин олган эди.



Президентимиз Минскда Россия давлати раҳбари Владимир Путин билан алоҳида учрашди, мулоқотда ҳар икки томонни қизиқтирувчи долзарб масалалар юзасидан гаплашиб олинди.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Аксилтеррор марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган саммитда қабул қилинган эди. Минск учрашувида таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистоннинг жанубий, Қирғизистоннинг Тожикистон билан chegaradosи худудларини террорчи гуруҳлар таҳдид қилгани, шунингдек, Чеченистонда жангари тўда-ларнинг ҳали янчиб ташланмагани марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши нақадар муҳимлигини яна бир тасдиқлади. Шу сабабли, Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари мазкур масалани имкон борича тезроқ ҳал этиш, марказ иштини тақомиллаштириш зарур эканини алоҳида қайд этди. Минскда Аксилтеррор маркази низоми тасдиқлангани бу борда амалий қалам бўлди. Мазкур низоми марказнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб берди.

Тақайиш хавфсизлик масаласига катта эътибор берилди. Минск учрашуви ҳам шундай музокарадан холи бўлмади. Бу ерда Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштирокида бўлиб ўтган уч томонлама мулоқотда минтақادا хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоси кўтарилди. Бу муаммони ечишнинг Аксилтеррор маркази фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Таъкидлаш жоиз, учрашув Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг илтимосига кўра бўлиб ўтди. Буни Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида минтақادا тинчликни таъминлаш бўла олмаслиги яна бир ишора, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари мулоқотда минтақادا тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини батафсил баён қилди.

лати — Россия Федерацияси, шунингдек, Грузияда бажариладмай келяпти. Россиянинг бундай сусткашлиги, табиийки, зонани яратишга катта тўсиқ бўлиб турибди.

Минскда Ўзбекистон ва Россия муносабатларида муҳим бўлган яна бир ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон фуқароларининг Россия ҳудудига, россияликларнинг эса мамлакатимизда визасиз ҳаракатланишини кўзда тутди. Маълумки, Россия Ҳамдўстликнинг баъзи давлатлари билан виза тизимини жорий этиш тўғрисида келишувлар имзоламоқда. Бу эса азалдан бордикелдиси фаол бўлган мамлакатлар фуқаролари учун жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий. Бироқ Ўзбекистон ва Россия ўзаро виза тизими тўғрисида ҳужжат имзолаб, мавжуд алоқалар ривожига тўсиқ бўлувчи бундай жараённинг олдини олди.

Келаси йил МДХ ташкил топганига ўн йил тўлади. Утган муддат давомида тузилмага аъзо давлатлар томонидан юзлаб кўп томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бироқ бугунга келиб улардан баъзиларининг амал қилиш муддати тугади, ижроси таъминланмади ёки уларни тўлдирувчи янги шарнома ва битимлар имзоланди. Бундай ҳужжатлар сирасига Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги соҳасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солиш, МДХ мамлакатларининг давлат чегаралари ва денгиздаги иқтисодий ҳудудларини кўриқлаш ҳамда МДХнинг мулоффа масалалари бўйича олий органларнинг ваколатлари ҳақидаги, МДХга аъзо давлатлар ўртасида стратегик қулар бўйича битимлар кирди. Шу сабабли, МДХ учрашувида бу каби ўнлаб ҳужжатни бекор қилишга келишиб олинди.

Сўнгги йилларда МДХга аъзо айрим давлатларда молиявий қийинчиликлар шундай ҳолатда кенг тарқалмоқдаки, уларнинг илдизлари баъзан тўғридан-тўғри ўша мамлакатларнинг ҳукумат идораларига бориб тақалмоқда. Бу эса коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда талай қийинчиликлар туғдирапти. Россияда молиявий пирамидаларнинг ўз вақтида қанчалик урғичани эслаш қийин. Янвий гуруҳлар ноқонуний йил билан топган маблағларини қонунийлаштиришда деярли қийинчилик сезмайпти. Бу эса аҳолининг жойларда давлат идораларига бўлган ишончига катта путур етказмоқда. Минск учрашувида кун тартибига қўйилган масалалардан бири айнан шу иллатта қарши қарашини кўзда тутди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, эндиликда иқтисодий ривожига катта тўсиқ бўлиб турган бу муаммони бирликлда ҳал қилиш учун янги имкониятлар очилди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Минск-Тошкент.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва биродар халқингизни самимий табриклардан бахтиёрман.

Яратгандан қўлпа бундай улғу айёмларни соғлиқ ва саодатда нишонлашингизни, Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик ато этишини тилаб қоламан.

Хурмат ила

Башар ал-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ойини кутиб олаётганимизда Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу қутлуг айёмда Аллоҳ Аза ва Жалладан Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, сийҳат-саломатлик ва дўст Ўзбекистон халқига ва ислом умматига хайр, барақа ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ҳар бир йилгиз хайрли бўлсин, камоли эҳтиром ила,

Мухаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қадри биродарим Ислом Каримов, Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни ва тилақларимни йўллаш мен учун қувончлидир. Бундай бахтли воқеа Сиз учун бахт-саодат ва сийҳат-саломатлик билан, ўзбек халқи учун эса Сизнинг доно раҳбарлигингизда, тараққиёт ва раванқ йўлида белгиланган мақсадларга эришиш билан тақдорланиб туришини қодир Аллоҳдан сўрайман. Шунингдек, ушбу ойнинг моҳияти ҳамфирқлик ва тотувликда янги мингйилликка тайёр бўлиш учун барча мусулмонларнинг қарошлиги ва иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам беришини Аллоҳдан тилайман.

Ушбу бахтли имкониятдан фойдаланиб, ўзаро алоқаларимиздаги ютуқларимизни мустаҳкамлаш учун мавжуд қардошлик ва ҳамкорлик муносабатларимизни янада ривожлантиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор таъкидлайман.

Жаноби Олийларини, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларини, Бутун ислом дунёси Муборак Рамазон ойини нишонлаётган ушбу кунларда Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзу тилақларимни йўллашдан мамнунман.

Қодир Аллоҳга илоҳотўйлик ва ўзини бахшида этиш даврида бутун олам мусулмонларига Яратгандан тинчлик ва хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Сиз Жаноби Олийларини давомий мустаҳкам соғлиқ ва саломатлик тилаб, юксак эҳтиромимни изҳор этаман.

Яхъё ЖАММЕХ,
Гамбия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу Рамазонини Карим кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг дўстона табрикларим ва эзу тилақларимни йўллашдан мамнунман.

Қодир Аллоҳдан барчамизнинг рўзимизни қабул этиши, уни хайр-баракотли қилиши, халқингиз ва ислом умматига кўп йиллар давомида раванқ ва тараққиёт ато этишини тилаб қоламан.

Самимий табриклар ва эҳтиром ила,
Биродарингиз

Султон бин Абдулазиз ас-САУД,
Саудия Арабистонини Вазирлар Мақоамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудоффа ва авиация вазيري

САФАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Шарқий Осиё мамлакатларига уюштирган илмий сафарининг навбатдаги босқичи якунланди. Шу муносабат билан Тошкентда экспедиция аъзолари сафар якунларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказди. Унда республика илмий жамоатчилиги, шарқшунос ва адабиётшунос олимлар, журналистлар иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов очар экан, истиқлол шарофати билан ташкил этилган мазкур экспедициянинг ҳар бир сафари мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеага айланаётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, илмий гуруҳнинг асосий мақсади ўзга юртларда тил, дини, турмуш тарзи турлича бўлган пароканда халқларни ягона салтанатга бириштириб, асрлар давомида оқилона сиёсат юритган Бобур ва Бобурийлар сулоласи тарихини, мероси ва айни пайтда фаолиятининг бизга номаълум томонларини ўргатишдир. Шу босе, экспедиция аъзолари ўтган саккиз йил давомида саккиз марта илмий сафарга чикди. Олиб борилган илмий изланишлар натижаси улароқ,

(ЎЗА)

Мамлакатимизда

Фаолликда гап кўп

Ҳақиқатан ҳам шундай. Фаол, ҳаракатчан киши ўз ишдан қониқмайди. Ҳар қили қандайдир янгилик қилишга иштироки. Китоб туманидаги «Умид» маданият саройида АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги, «Вирок интэрнейшнел» ташкилоти, «Келажак» ахборот-маслаҳат ресурс маркази, «Нажот» ишонч маркази ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси ўтказган семинар-тренингда ҳам мақсад шу эди. Халқаро «Хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги» лойиҳаси доирасида аёлларнинг фаолиятини ошириш мақсадида ташкил этилган

Душанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

«Индонезия таомлари» фестивали

Индонезия таомларини танивоуза қилганимиз? Агар шундай эстақ пайдо бўлса, 15-16 декабр кунлари бўлиб ўтадиган «Индонезия таомлари» фестивалида иштирок этинг.

Кеча пойтахтимиздаги Индонезия элчихонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани айнан ана шу мавзуга бағишланди.

Мен ўзбек миллий таомларининг чинакам ислоҳатини, — деди Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Факултади ва Мухтор элчиси жаноб Рони Хидоят Гостинго. — Шу босе, Ўзбекистонда ҳам

Курраи заминда

Нобел мукофотини олиш учун

СТОКГОЛМ. Ушбу ҳафта Швецияда жорий йилда Нобел мукофотига сазовор бўлган олимлар, адаб ва сийсий арбоблар таширф бувориди. 10 декабр куни Швеция қироланиги ўзи совиборларга олий мукофотини топширади.

Элчихона очмокчи

БОЕЎД. Ироқ яқин келажакда Беларусь, Украина, Қозғистон ва Озарбойжонда элчихона очмокчи. Буни мамлакат ташқи ишлар вазир Мухаммад Саид ас-Саҳдоф маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, бу

Тошкентда — Қорақалпоғистон маданияти кўнлари

Ўқтам ДҮСТЕР, ЎзА мухбири

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Ҳозирги кунда серкӯён ўлкамизда 130дан ортиқ миллат ва элат вақллари бир жону бир тан бўлиб яшай меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов бот-бот таъкидланганларидек, қасрдаки дўстлик, аҳдлик, биродарлик, ҳамфикрлик ва ҳамкорлик усту бўлса, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради, интилим, изланиш, янгиликлар тараққий қилади.

Талбир давомда шаҳарликлар, пойтахтимиз меҳмонлари, ушбу санъат байрами тантаналарининг бевоисита иштирокчиси бўлади. Зеро, маданият кўнлари дастурига кўра, шаҳарнинг барча театраларида, майдон ва сайёҳларда оммавий талбирлар, концертлар, кўргазмалар бўлиб ўтади.

Шунинг ҳам айтиш кераки, Мухтор Ашрафий номиди Тошкент давлат консерваторияси, "Баҳор" концерт зали, Республика кўйроқ театри ва кинотеатрлар ҳам қорақалпоқ санъати ихлосмандлари билан гажам бўлади.

Маданият кўнлари дастури доирасида олий ўқув юрғларида талаба ёшлар билан, маҳаллаларда кўйроқ оқсозлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Кўшма корхоналарда



Бўстонлик тумани маркази — Ғазалкентдаги «Комит» Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонасида бугунги кунда 28 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда.




Энг муҳими, бу кўшма корхона шарофати туфайли 250 киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Уларнинг кучи билан эса йил бошидан буён 5000 тонна ширинлик истеъмолчиларга етказиб берилди.

СУРАТЛАРДА: кўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар; оператор Нигора Миррахмедова; печеные пишириш цехининг илгор ишчиси Муборак Абдухалилова.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Соф фойда — 200 миллион сўм



Таълимнинг ўзбекча модели

М.САФАРОВ

Ўзбекистонда дунёга келатган янги таълим фақат республика миқёсидагина аҳамиятли бўлиб қолмай, унинг натижалари, ўтган қисқа даврда бу соҳада тўпланган бой ва самарали тажрибалар халқаро оғру ва эътибор топмоқда.

Маданият кўнлари дастури доирасида олий ўқув юрғларида талаба ёшлар билан, маҳаллаларда кўйроқ оқсозлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Бугун Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган аънанавий II халқаро конференция ўз ишини бошлайди

лари яқдил эътироф этганларидай, мустақиллик шароитида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонда таълимга муносабат тубдан ўзгарди, таълим энг олий қадрият даражасига кўтарилди.

Ушундан кўнраки конференция фаолиятида қатнашган халқаро ЮНЕСКО ташкилотини вакамиллари республикамизда кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларини ўрганиш ва халқаро миқёсда кенг оммалашти-

риш тўғрисида махсус қарор қабул қилди ҳамда Тошкентда ўтган Халқаро конференцияни бу борда ташаббусни ўз зиммасига олишини сўради ва мазкур конференцияни ҳар йили ўтказиб туриладиган, аънанавий анжуманга айлантиришни таклиф этди.

ЮНЕСКОнинг бундай қарори халқаро конференция иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Ниҳоят, мана, шу йилнинг 5-6 декабр кунларида Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган аънанавий, Иккинчи Халқаро конференция ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг бундай қарори халқаро конференция иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Ниҳоят, мана, шу йилнинг 5-6 декабр кунларида Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган аънанавий, Иккинчи Халқаро конференция ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг бундай қарори халқаро конференция иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Ниҳоят, мана, шу йилнинг 5-6 декабр кунларида Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган аънанавий, Иккинчи Халқаро конференция ўтказилди.

Advertisement for «Саноаткартонсавдо» ОТАЖ. Features images of cardboard boxes and text describing products like гофроящиклар, картон ва қоғозлар, 3-4 миллиметр қалинликдаги қоғоз-толали плиталар, сирти ғадир-будир кистирмалар, etc.

Advertisement for UCD Group. Features images of computer cases and text: КОМПЬЮТЕРПАР 2 ЙИЛ КАФОЛАТИ БИЛАН. Includes contact information for sales and support.

Advertisement for Job Opportunity. Text: The Central Bank of the Republic of Uzbekistan is seeking for Local Consultants to occupy the following positions. Lists requirements and contact info.

Иштироблари

Қандай ахши! Соф фойда ахши-да. Бунинг устига, осмондан чалпақ ёқилгандай тушиб турса, кимга ёқмайди? Бироқ...

Қайси осмондан тушадиган... 2,5 миллион сўм ва қандай қилиб тушадиган? Ниманинг эвазига? Қандай ҳуқуқбузарликлар адолатсизликлар ҳисобланади?

Бу саволларни қўнрақ кўнрақнинг асоси бор. Биринчи асос — ўша 50 гектар ердаги боғни Деҳқонбой ота бола-чақаси ва жиянлари билан (жами 15-20 киши, парвариллагани, кўчат экиб, боғ яратгани — факт. Иккинчидан, бу боғни ундан тортиб олишининг ўзи фалати ҳужжатлар асосида амалга оширилган.

Деҳқонбой ота бу қарор ҳақида ҳеч нима билмайди. Шу боис у эътибор 136 гектар ер ажратилганини бирон марта оғизга олгани йўқ, фақат «50 гектар»ни гапириб юрбди.

Билмаслигининг бир боси — бу қарор юлдуз кўрмалар жон берди: 1998 йил 7 июлда (оралдан атиги икки ҳафта ўтди — Х.О.) туман ҳокимининг 374-сонли туман қарори билан, унда қарорни чиқарган бўлиб, унда шундай жумлалар бор: «136,3 гектар ер майдони — боғ ва

тоқзорлар тўлалигича Д.Устабеков иштиробига фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун қувватини ҳисобга олай ажратилган... 2. Комиссия берган ҳулосага асосан, ҳўжалик ҳисобидига боғ ва тоқзорларни ўзаро тузилган икки томонлама тенг ҳўқуқли шартнома асосида оилавий пудрат усулида Д.Устабеков оиласига ижарага бериш мақсадда муроғиллигини ҳисобга олиб, туман ҳокимининг 1998 йил 22 июндаги 335-сонли қарори бекор қилинсин.

Ҳоким — Ю.Тожибоев. Ҳоким қабулига иш юритувчи она олиб кирган ҳўжатлар тўпلامидига бу қарордан кўнрама ёза бошлаганимда ҳоким: «Ўзи текширишга ҳўжатингиз борми?» — деди лабдурустан асабий оҳангда. Мен қоғоз папкадан таҳририятга келган шикоят хатини олиб узатдим ва «Мен ҳеч нарсага текширмаймман, шикоят хатига оид ахборот олаямман, ҳолоса» деб кўнриб қўйдим. Йўлдош ака каттак дафтарининг бир варағига имловий саводсиз ёзилган хатни ва конвертни синчиқлаб ўқиб, қайтиб берди-да, «бўлмиши?» дея сўради.

— Бўлди, раҳмат, фақат ўша бекор бўлган қарорини бир кўрсак бўларди-да. Ҳоким иш юритувчи Мавадда опага «топиб, кўрсатинг», деди. Узоқ йил бу вазифада ишлаётган она у қарор нима сабабдан папкага тикилмай қолганидан хижолат бўлиб, «Мен уин, албатта, топиб, сизга кўнриб қўйламан» деди ўзининг хонасига кирганимизда. Раҳмат, наънан билан бажариб, эртасига телефон орқали сиз юқоридан танишган

қарорини ўқиб бердилар. Д.Устабековга 136 гектар ер ажратилиш тўғрисидаги қарорнинг ҳокимликдаги папкага тикилмай қолгани ва Д.Устабеков қўлидаги қарорини «қоғозлар ичиде» йўқотиб қўйиши ўртасида қандайдир боғлиқлик бор-йўқлиги тўғрисида, албатта, бир нима дейлаймаймиз...

Дейдиганимиз — иккинчи қарордаги ерни олиб қўйиш тўғрисидаги биринчи банд бажарилиб, бу боғ-тоқзорларни Д.Устабеков оиласига оилавий пудрат усулида шартнома асосида бериш тўғрисидаги иккинчи банднинг мутлақо бажарилмагани;

Дейдиганимиз — бу боғни 15 йил парвариллаган бир неча оиланинг бошлиқлари ва уларнинг бир неча уилаб фарзалари тирноғининг кириши сўриб қўлиб, боғ заводага «соф фойдага» сотиб юборилгани.

Ҳўжалик раиси К.Жўраев билан суҳбатимизда маълум бўлишича, у кишининг Устабеков оиласига нисбатан эътирозини бир дунё: тўе улар боғдан чиққан ҳўслини сотиб миллионер бўлиб кетгандек... Шунда меннинг кўз олдимга Деҳқонбой отанинг Янгийўла шаҳридаги ерўлага ўхшаш пасткам бостирма уйно ерга тўшалган йиртиқ шолча келиди. «Хўжаову!» участкасидаги илгари дала шипоний бўлган барак-уйла эса унинг уч угли оиласи, бир этак бола-бақраси билан яшайпти.

Яна ҳўжатбозликка қайтсак, Ҳокимнинг юқоридagi қарори бўйича оиланинг 11 аъзосига 40 гектар боғ шартнома-пудрат асосида бўлиб бериладиган бўлди.

Пудратчилар хатто аллақайдан шартнома бланкаларини сотиб оқкелдилар, тўлдирдилар. Бироқ шу бўйи шартнома ҳам, бланка ҳам бошқа қорасини кўрсатмади. Қанча сўрашмасин, унинг бир нуҳасини эгаларига беришмади. Ер эса заводага қўнриб берилди.

Молхонага айланган боғни кўриб бу боғдаги даракларни қўнрақлигидан бошлаб 10-15 йил парвариллаган бир неча аёлу эркак — эр-отинлар ҳам маънавий, ҳам моддий эълиб юришибди. Раис эса, бир неча сотих ерни Чинозлан келган кишига ижарага бериб қўнрибди, деб Деҳқонбой отани судга топишмоқчи бўлиб юрбди. Яна, дараклардан чиқадиган ҳўслини кабинетда ўтирган ҳисобчиларга ҳисоблатиб, Деҳқонбой отани бир неча миллион сўмга қарз ҳам қилиб қўнрибди.

— Утган йили мевани буткул совуқ уриб кетди, нимани топиш-ради? — сўрайман раисдан. — Суғурта қилиши керак эди, қўнрибди, — деди раис.

— Сиз раҳбарлик қилётган ҳўжаликни, боғларини суғурта қилганми?


— Шунча гаплар. Ҳозир фермернинг ўз ҳимоячиси бор. У — туман ва вилоят деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмалари, уларнинг раҳбарияти. Деҳқонбой отадан.

— Уларга ҳўқуқингизни ҳимоя қилиш учун ердан суғаб мурожаат қилганми, деб сўрадим. — Вилоят деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Абдуқаҳҳор Қурбоновнинг ҳаммасидан хабари бор, — деди ота. — Ҳокимнинг олдинги қарорини бекор қилганини менга ўша айтди. Талашманг, шу 10 гектар ҳам етди сизга, барибир ҳеч нимага эришолмайсиз, деди.

Болага ота шундай деб турса, бунақа отанинг оталиги қайқа борди? Бунақа отанинг оти қанақа бўлади? Яна бир гап. Ҳокимнинг ўз қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қароридан ҳам, раиснинг олган гапидан ҳам бир вақт рўқча қилинаётгани: шунча боғни удалашга Деҳқонбой отанинг кўрби етмасини, техникаси йўқмиши. Адолат юзасидан қараганда, аввалга мен ҳам бу гапга қўнриландек ҳис қилдим ўзимни. Кейин ўйлаиб қолдим: боғнинг асосий иши даракт қўчатларини парвариллаб, воғта етказишда. Сўнгра эса сўраиб, бутаб турсанг ҳўслини олаверасан. Деҳқонбой отанинг шунча боғни парвариллаб, воғта етказишга кучи етган эди-ку, энди ҳўслини теришга кучи етмай қўлибди...

Advertisement for Tashkilot. Features images of people and text: ТАШКИЛОТ ДУ-20 мм, ДУ-50 мм, ДУ-32 мм, ф 76x3,5 пўлат қувурлар сотади. Includes contact information for sales and support.

Нафосат сабоқлари



си у туғилмасдан аввалоқ келиб бўлган. Қулардан бир кун она не қўлоқ билан эшитсинки, боласи отаси айтиб юрган ўша куйни узук-юлук хиргойи қилдириб эмиш! Аввалига тасодиф деб ўйлабди, аммо кун ўтган сайин бола уни тиниқроқ такоррай борибди! Бу эртак эмас, бу ёқа ушлаттирилган ҳақиқатдир! Демак, бола она қобиргаларида куртақдай унаётандаёқ ташқи дунёни тинглаб туради.

Болам дерман...

Турсуной СОДИҚОВА.

Курбон каримнинг Бақара сурасида «Оналар болаларини тўла икки йил эмиздилар. Бу (хукм) эмизилин буюқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни (яъни, оналарни) едириб-кидириб отанинг зиммасидилар. Ҳеч кимга тоқатдан ташқари нараса тақлиф қилинмайди. Болалар сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тормасин» дейилган. Шу суранинг яна бир оятинда «Хатто талоқ қилинган ёки ажралишмоқчи бўлган тақдирда ҳам хотин киши ҳомилдор ва эмизикчи бўлганда эр томонидан яхши муомала билан тўла таъминланиши шарт» деган бах қилинган.

дими дейман. Юрагим тўкилади, қавминдан бир қадар кўнглим қолгандай бўлади. Яратганининг ўзи осонлаштириб, билимининг дундасини ўн тўрт аср аввал қўлимизга тутқазиб қўйибди-ку! Бало-қазодан сақланишининг йўллари кўрсатиб турибди-ку! Бу мурожаатга қўлоқ тумай нима ютдигу нима ютқаздик?

«Оналар болаларини тўла икки йил эмиздилар» — бу жумланинг шифоқорлар жуда чиройли ва тушунарли шарҳлаб чиқмоқдалар. Дунёда оналарнинг саногини қанча бўлса, уларнинг жисми жони бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ўша-ша лабораториядир. Ари болалар оралар нектар йиғиб, асал ҳосил қилишни қаби, она сутидан ёруғ дунёнинг жамики таъмию маъноси мужассамдир. Иккига кирган бола мустанкил юра олади, қорни очса, емакка қўл чўзиб оғзинга сола олади, чиройли нарсани таниб, хатардан қочқилини бўлиб қолади. Инсонликнинг бу дастлабки сабоқлари боланинг вужудига она сuti орқали ўтгани энг сингшишим-лидир. Өлганнинг мўъжизаси

билан, она сuti боланинг баданида ҳамшира пичирлаб, уни бошқариб туради. Шу тарзда бола озор емай, осонлик билан қаторга кириб олади. Одиладар она сutiни қоқ рангдари қон деб ҳам атамоқда. Уз қони билан боқайтими, демак, бола вужудига тинмай онанинг жони ҳам гапириб туради, бундай бола бало-қазодан ҳамшира ҳимояликдир! Кези келганда шунинг ҳам айтилки, сут билан бирга болага онанинг хоҳишу истақлари, дили, руҳий суратлари ҳам ўтиб боради. Қанча узок эмизса, онанинг узлигини унинг шахси билан омухталашиб боради. Бу дегани она-болала руҳан яқинлик пайдо бўлади, улар ҳаёда бир-бирини осон тушунади, бир-бирини тўлдириб учун узаро ин-

син? Шу гўрғинанинг бола эмизилини бундан қилини худийим барчамизга баробар ХУКМ қилмоқда! Бу Яратганининг хукми! Унга итот этмасак, жазо олишимиз бор гап! Қани холис айтилдики, шу кунгача атрофдаги бола-ликларнинг боласини ёлчитиб эмиздилари учун қанчалик шароит қилдик? Ҳеч йўқ ўзимизнинг қизимиз, келинимизни шу хуусуда рисолалагилдай бошқара олдикми? Ишни, ўқини баҳона қилиб, боласини чала боққан онага гўдагидан қил ясаш ҳам, фил ясаш ҳам унинг қўлида эканлигини қайси меҳрибони неча марта уқтирди? Қайси худудий шифоқор «Ёш оналарнинг ҳаммаси боласини икки ёшгача эмизайтими ё йўқ?» деган саволни ўз дастурига киритди? 7-8 ойлаёқ сuti тутаб қолган келинини қайси қуомлиги дўхтирма-дўхтир етаклаб кўрсатди? Келинини хуш кўрмай турса-да, ҳеч йўқ худудан қўриқиб, «мана бунинг еб олинг, сут бўлади, нега овқатни кам еясиз, болага жабр бўлади» дейишни ҳар доим ҳам айтмайдими? Кўзи ёриган аёл уч йил деганда аслига қайтди, суякларини жойига тушди, егани ўзига юқди. Шу дар домида у ишлаб пул тополмайди, боласи ёқинга тирмашиб турир-тирмашиб. Демак, унинг беҳол жони атрофдагиларга эҳтиёжманлик билан турмуш-қўйиб туради. Онасига тирмашиб турган бола шу ҳовлидагиларнинг сулоласи, наслининг давоми, қуни келса, чиронини ёқиб қолдиган ворисидир. Сизга ворис келтиргани ҳаққи, унга озгиниздагини узиб едирсангиз ярашмайдими? Меҳр билан тутсангиз, қотган патирингиз ҳам қўй ёғидай сингитилди. Бунинг илдириб қилинади. Эмизикчи аёлга меҳрибонлик қилиш бутун дунёнинг бошини суллаш билан тендир!

(Давоми бор.)

Хазон



Таклиф

Жўра УМАРҚУЛОВ, Ьзувчи.

Ўлкамизда айна хазонрез мавсуми. Дов-дароҳлар салқин тушиши билан тилларанг барларини тўқайди. Бог-роғлар, майдон, йўл-йўлаклар, ариқлар хазонга тўлиб-тошади. Сўзсиз бу хазонлар сўриб-сидрилиб, йилгиштирилади. Айрим жойларда уларни ахлат сифатида шаҳарлардан ташқарида чиқариб ташланади. Осон йўлни қўзлаганлар эса хазонларни тўп-тўп қилиб, жойида ётиб қолдириб. Табиийки, яхши кўриб қовжаймаган хазонлар бирдан тўла ловиллаб ётмасдан бурқисиб тутади, атрофга тарқаб, нафасни бугади. Мен қушни мамлакатлардан бирини буғанимда шундай ҳолиниг зувоҳи бўлганман: шаҳарнинг бирорта кўчаси ёки ҳиботинда хазон тутмайди. Тупланган хазон махсус ахлат ташувчи ва бошқа юк машиналарица юкляниб, шаҳар ташқарисига ташиларкан. Асосан хазонини шаҳар, ободонлаштириш ва кўсалмазорилаштириш бошқармаси, яқин атрофдаги ҳўжалар ташиб кетишаркан. Билсам, улар хазонини хандоқларга қўйиб чиқаришаркан. Қарағи, агар шундай, иш тутилса қанча ерлар унумдор бўлади, хазонини чиқатса чиқаришга ҳўжат қолмайди. Бу тажрибани Тошкент шаҳридаги базис туманлари қўлай бошлаганидан ҳўрсанд бўлидик. Эндилкида қарор чиқариши кўтиб ўтирмасдан бу ишни ҳамма жойида кенг ёйишимиз керак.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. САФАРОВ, Р. ФАХРОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛМОНОВ, О. ҚАЙСЕРБЕКОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳўқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Ҳўн, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибиёт — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 1115, 18120 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ КўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ДАВЛАТ КўМИТАСИНING РАСМИЙ ТАКЛИФНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ КўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ДАВЛАТ КўМИТАСИ тендер эълон қилади ва барча қизиққан шахсларни унда иштирок этиш учун таклиф қилади.

Тендер тури: юридик ва жисмоний шахслар учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун очикдир. Тендер объекти бўлиб, «Кинап» ишлаб чиқариш уюшмаси ва унинг тўлиқ тасаруфиди бўлган мулк ҳисобланади. Объект Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 26 ноябр 511-сонли «2000-2001 йилларда хоржий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тендерга сотувга қўйилган.

«Кинап» ишлаб чиқариш уюшмасининг фаолияти турли хил электрон, механик ва аудио апаратура ва ускуналар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Тендер предмети - «Кинап» ишлаб чиқариш уюшмасининг бошланғич баҳоси 994 000 (тўққиз юз тўқсон тўрт минг) АҚШ доллари. Бошланғич баҳо тендернинг халқаро молиявий маслаҳатчиси - «IMC Consulting Ltd.» (Буюк Британия) компанияси тасвираси асосида белгиланган.

Қатнашиш учун аризалар қабул қилиш муддати: 2000 йилнинг 30 ноябрдан 2001 йилнинг 31 январигача. Натияжаларни аниқлаш муддати: 2001 йилнинг 31 январидан 2001 йилнинг 10 февралигача.

Тендер кафолати: Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг қўлидаги махсус валюта ҳисоб-китоб рақамига 20 000 (йигирма минг) АҚШ доллари миқдориди гаров маблағи қўйилиши керак: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг ҳисоб-китоб рақами: № 21506840400600289002 бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Тошкент шаҳар бўлимидадир. Банк коди 00014, S.W.I.F.T. коди CBUZUZ22. Гаров пули тендер натижалари эълон қилингандан сўнг, голибдан ташқари барча тендер иштирокчиларига 7 банк иш кўни мобайнида қайтариб берилади.

Маълумот ҳамда тендер ҳужжатлари олиш учун алоқа телефонлари: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, 700003, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 55. Тел: (99871) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (99871) 139-21-42.

«IMC Consulting Ltd.» компанияси, PO BOX 18, Sutton-in-Ashfield Nottinghamshire NC 17 2NS, United Kingdom. Тел: (44) 1623441444, Факс: (44) 1623440333.

REPUBLIC OF UZBEKISTAN INVITATION TO TENDER OF THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidding and invites all interested parties to submit their proposals.

Type of tender: open for legal entities and individuals, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

Object of bidding: is the legal entity the state enterprise "Kinap" and state ownership belonging to the enterprise on the right of full economic management, according to the charter of the enterprise. The object is offered for bidding in accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers # 511 dated November 26, 1999 "On Measures of Denationalisation and Privatisation of Enterprises by Means of Attraction of Foreign Investors in 2000-2001". The state enterprise "Kinap" is specialised on production of various types of electronic, mechanical and audioequipment and machinery.

Item for tender is the initial cost of the state enterprise "Kinap" in the amount of USD 994 000 (nine hundred ninety four thousand). The initial price of the enterprise is determined by the financial consultant of the tender - IMC consulting Limited, UK.

Terms of submission of bids: from November 30, 2000 to January 31, 2001 Deadline for final selection: February 10, 2001

Tender guarantee: For participating in the tender it is necessary to provide a collateral of USD 20,000 (twenty thousand) via transfer of the sum to the Special Foreign Currency Account of The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic Of Uzbekistan: acc. № 21506840400600289002 Tashkent Department of Central bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014 S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22.

The collateral will be returned to all the bidders, except the winner, within 7 days after the announcement of the tender results.

Contact telephone for inquiries and obtaining tender documentation: Enterprise Institution Building Bureau of the Republic of Uzbekistan State Property Committee: Uzbekistan, 700003, Tashkent, Uzbekistan pr., 55, Tel.: (998 71) 139 22 59, 139 22 23 Fax: (998 71) 139 21 42

IMC Consulting Ltd.: PO Box 18, Sutton-in-Ashfield, Nottinghamshire NG17 2NS, United Kingdom Tel.: (44) 1623 441 444 Fax: (44) 1623 440 333

БИЗНИНГ МАХСУЛОТИМИЗ — БУ ЮКСАК СИФАТ КАФОЛАТИ.

Advertisement for 'Tashkilot Toshkent Dagi Ombordan' featuring a woman in a uniform and various service offerings like 'Kasab Utkazgich Maxsulotlari', 'Eritgichlar', and 'Lampalar'.

Жумбоқ Олма дарахтида кўм-кўк мева, ёнидаги эса нуқул қизил олма пишган. Болалар иккала дарахтдан жами ҳосилни териб олишди. Санаб кўришганда ҳар 4 дона кўк олмага 5 тадан қизил олма тўғри келди. Улар 16 та қизил ва 16 та кўк олmani истеъмоқ қилишди. Сўнг қолган меваини санаб кўришганда энди ҳар 2 та кўк олмага 3 тадан қизил олма тўғри келди. Айтингчи, аввал бошда қанча мева бор эди, уларнинг қанчаси кўк, қанчаси қизил?

Хикматли ҳангомалар

Ҳеч ким устун бўлолмайди Ривоят қилишларича, доно подшо заҳарланган майини ичиб, ўлими яқинлашганини сезгач, онасига хат ёзди. Хатида онасидан дастурхон ёзиб, ҳеч кимни улмаган, ҳаётда ўлим доғини кўрмаган одамларни меҳмонча чорлашини сўради. Волидаси бунинг иложини қилолмабди. Подшоҳ бу ишни дунёга устуни бўладиган одам йўқлигини онасига аниқлаштириш ва шу йўл билан унга тасалли бериш мақсадида қилган экан.

Нурни қизганганлар

Уч ҳасис битта хонани ижарага олишибди. Лампа мойини ҳар доим бирга олишаркан. Иттифоқо лампа мойи агани биттасининг пули етмайди. Пул қўшган иккасои нима қилабди дег? Пул бермаган халқоналарининг кўзини болаб, чироқни ёқибди, фақат чироқни ўчириб ўринга қаранларида унинг кўзини очибди.

ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАХСУС ТИЗИМЛАРИ!

ЕВРОПА ВА РОССИЯЛИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРИНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛЛАРИ. БАНКЛАР, ОФИСЛАР, ЭЛЧИХОНАЛАР, АЭРОПОРТЛАР, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР:

Advertisement for security systems featuring images of a person in a security scanner, a computer monitor, and various electronic equipment. Text lists services like 'профессионал видеокузатув тизимлари', 'авиапарвозлар ва боқхона хизматлари', etc.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи ўринбосари М. С. Саидовага волидан муҳтарамаси ВАҲОЖ аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Фан» нашриёти ва «Фан ва турмуш» журнали жамоаси журнал бўлим муҳаррири Рустам Ёрлақабовга палари бузруквори БОЙТУРА отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Асака» банки жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Курбонбой НУРИЛЛАЕВнинг фожали вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Ғўза селексияси ва уруғлиги илмий-тадқиқот институтининг директори П. Ш. Ибрагимовга онаси, бўлим мудир, академик Ш. И. Ибрагимовга рафиқаси ТОНФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.